



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 21 сентябрь, № 186 (6621) Чоршанба

Сайтимиғизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИСТИҚБОЛДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Президенти вазифасини бажарувчи, Республика Бош вазири Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, саноат ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида шу йилнинг 20 сентябрь куни Ангрэн шаҳрига таширф буюрди.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш мақсадида 2012 йилда ташкил этилган «Ангрэн» махсус индустриал зонасида кенг кўламли ишлар, жумладан, 11 йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Жорий йилнинг охирига қадар яна 7 ишлаб чиқариш қувватини фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2015 йил 28 августда қарорига мувофиқ ҳаётга татбиқ этилаётган «Ангрэн» махсус индустриал зонаси ҳудудида конвейер ленталари, қишлоқ хўжалиги техникаси ва автомобиль шиналари ишлаб чиқаришни ташкил этиш» лойиҳасининг амалга оширилиши жараёни билан танишди. Бу ерда йилга 100 минг погон метр конвейер лентаси, қишлоқ хўжалиги техникаси учун 200 мингта шина, 3 миллион дона автомобиль шинаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш кўзда тутилган. Мазкур йирик саноат корхонаси мустақиллигимизнинг 26 йиллиги арафасида ишга туширилиши қайд этилди.

Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши 1 минг 200 иш ўрни ташкил этиш имконини беради.

Шу куни Шавкат Мирзиёев Ангрэн ИЭСда 2016 йилнинг август ойида ишга туширилган янги энергия блокларини кўздан кечирди. Замонавий технологиянинг жорий этилиши натижасида йилга 1 миллион тонна кўмирдан самарали фойдаланишга эришляди ва бу орқали 840 миллион кВт/соат электр энергияси ва 423 минг гигакалория иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилади. Янги энергия блокларининг ишга туширилиши ёқилги сарфини камайтириш, атмосферага газ чиқиндилари чиқаришни сезиларли равишда қисқартиришни таъминлайди.

Шавкат Мирзиёев «Ўзбек-қўмир» акциядорлик жамияти фаолияти, Ангрэн қўмир қонида ёқилги қазиб олиш ва етказиб бериш ишлари, бу ерда амалга оширилаётган техник қайта жиҳозлаш жараёни билан ҳам танишди.

Жорий йил бошдан буён конларни қазиб олиш ҳажми 15,4 миллион куб метрдан ошди, 2,6 миллион тонна қўмир қазилди. 2016 йилнинг охиригача қўмир қазиб олиш ҳажми 3,7 миллион тоннага етказиб режалаштирилган.

Анвар САМАДОВ, ЎЗА махсус мухбири.

Танишув жараёнида мазкур саноат корхоналари учун ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, мутахассисларнинг етакчи хорижий компанияларда малака оширишини ташкил этиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев Ангрэн шаҳрида амалга оширилаётган ободонлаштириш, уй-жой ва ижтимоий соҳа объектларини қуз-қиш мавсумига тайёрлаш ишлари билан танишди. Хусусан, мактабга-ча таълим муассасаси, деҳқон бозорини бориб кўрди.

Учрашувларда аҳоли учун қулай яшаш шароитларини, ижтимоий инфратузилмани янада такомиллаштириш, коммунал хизматларни яхшилаш, ҳудудларни ободонлаштириш, замонавий истироҳат ва дам олиш боғларини барпо этиш лойиҳаларини амалга оширишга доир долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Ангрэн шаҳри раҳбарлари ва фаоллари иштирокида ўтказилган йиғилишда Тошкент вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш соҳасида йирик лойиҳаларни бошлаб берган Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг фаолияти, улкан хизматлари алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 9 сентябрдаги «2016 — 2018 йилларда Тошкент вилояти шаҳарлари ва туманларини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори пойтахт вилоятини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида қайд этилди.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда Ангрэн шаҳри ижтимоий инфратузилмасини модернизациялаш масалалари таҳлил этилди. Шаҳар ҳокими, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига мавжуд камчиликларни бартараф этишга доир кўрсатмалар берилди.

Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятига таширфи давомида пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва кузги экин ишларининг бориши билан ҳам танишди. Фермерлар, соҳа ходимлари билан учрашув чоғида қишлоқ хўжалиги ишларини қисқа муддатда уюшқоқлик билан ўтказиш масаласи атрофида муҳокама этилиб, тегишли топшириқ ва тавсиялар берилди.

Анвар САМАДОВ, ЎЗА махсус мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО ШАҲРИДА (БРАЗИЛИЯ) БЎЛИБ ЎТГАН XV ЁЗГИ ПАРАЛИМПИА УЙИНЛАРИ ҲОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИНИ ПУЛ МУКОФОТЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшлар ўртасида Паралимпия ҳаракатини тарғиб этишдаги фаол иштироки, Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтган XV ёзги Паралимпия ўйинларида муносиб иштироки, жасорат, матонат ва мардлик намунасини кўрсатиб, юртимизнинг халқро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини янада юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшгани учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 12 июлдаги ПҚ-2558-сон қарорига мувофиқ:

1. Қуйидаги спортчилар бир йўла тўланадиган пул мукофоти билан тақдирлансинлар:

- олтин медаль олгани учун ҳар бири 200 000 АҚШ доллари билан: **Намозов Шерзод Насимович** — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси; **Нигматов Уткиржон Исматилло ўғли** — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси; **Тулендибаев Адилжон Ришатович** — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси; **Норбеков Хусниддин Киличбоевич** — энгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси; **Свечников Александр Владимирович** — энгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси; **Каюмова Нозимахон Номонжоновна** — энгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси; **Мусабеков Фирдавсбек Улуғбек ўғли** — сузиш бўйича терма жамоа аъзоси; **Амилова Фотимахон Равшанбек қизи** — сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;

кумуш медаль олгани учун ҳар бири 100 000 АҚШ доллари билан: **Алимова Хайтжон Абдулла қизи** — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

- Бурхонова Сафия Каимовна** — энгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси; **Одилова Муслима Улуғбек қизи** — сузиш бўйича терма жамоа аъзоси; **Панков Кирилл Дмитриевич** — сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;

- бронза медаль олгани учун ҳар бири 75 000 АҚШ доллари билан: **Бобоев Шухрат Шоназарович** — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси; **Саидов Феруз Бешимович** — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси; **Шарипов Ширин Хомитович** — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси; **Салаева Севинч Одамбай қизи** — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси; **Рахимова Гулрух Илхамбековна** — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси; **Нурметова Турсунпаша Бахрамовна** — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси; **Салиев Дониёр Нурулла ўғли** — энгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси; **Бозоров Ахрор Ботирович** — пауэрлифтинг бўйича терма жамоа аъзоси; **Турсунхўжаев Музаффар Шухратилло ўғли** — сузиш бўйича терма жамоа аъзоси; **Хорлин Дмитрий Сергеевич** — сузиш бўйича терма жамоа аъзоси; **Тошпулатова Шохсанамхон Дилшодбек қизи** — сузиш бўйича терма жамоа аъзоси; **Ибрагимов Сервер Юсуфович** — ўқ отиш бўйича терма жамоа аъзоси; **Сахатов Миран Мирюнусович** — энгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси; **Хамраев Фахриддин Фарходович** — энгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;

Абдурашидов Мансур Самат ўғли — энгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси.

2. Белгилаб қўйилсинки, пул мукофотларини тўлаш Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан хорижий валютада — АҚШ долларида, банкда жисмоний шахслар учун белгиланган тартибда очиладиган депозит ҳисоб рақамларидан, солиқ ундирилмасдан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу мақсадлар учун зарур пул маблағлари ўз вақтида ажратилишини таъминласин, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки эса Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан биргаликда ажратилган маблағларни Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг буюртмалари бўйича белгиланган тартибда конвертация қилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси спорт делегацияси таркибидagi спортчиларнинг 2016 йилдаги XXXI ёзги Олимпиада ва XV Паралимпия ўйинлари қатнашчилари Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридagi Олимпиячиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан сотиб олинган «Малибу» маркали энгил автомобиллари билан иловлага мувофиқ мукофотлансин.

5. Белгилаб қўйилсинки, ушбу фармойиш асосида жисмоний шахсларга берилган энгил автомобиллар қийматида жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи солинмайди.

6. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. И. Икрамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2016 йил 19 сентябрь

ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА САЛОҲИЯТЛИ АВЛОД мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутди

Баркамол авлодни вояга етказишда таълим-тарбиянинг ўрни беқиёс. Шу боис юртимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидадан айни шу жиҳат устувор вазифага айланди. Жумладан, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида соҳа тубдан ислоҳ қилинди.



1 ОКТАБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Мазкур ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг изчил ижроси натижасида республикамиздаги мавжуд умумтаълим мактабларининг деярли барчаси янгитдан қурилиб, энг илгор ўқув-

лаборатория анжомлари билан таъминланди.

Пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманидаги 20-умумтаълим мактаби ҳам ана шундай замонавий таълим муас-

сасаларидан бири. Бугунги кунда ушбу масканда 1156 нафар ўғил-қиз сабоқ олмоқда.

(Давоми 4-бетда).

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси мажлиси бўлиб ўтди.

Аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш

кенг кўламли бунёдкорлик ишларидан қўзланган пировард мақсаддир

Унда 2015 — 2017 йилларда Сурхондарё вилоятининг йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури доирасидаги ишлар ҳамда истиқболдаги вазифалар муҳокама қилинди.

Парламент аъзолари, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши депутатлари ва ушбу вилоят ҳокимлиги вакиллари, шунингдек, тегишли вазирлик ҳамда идоралар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашган тадбирда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган изчил ислохотлар инсон ва унинг манфаатлари устуворлигини таъминлашга, халқимиз турмуш даражасини янада юксалтиришга хизмат қилаётгани таъкидланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти раҳнамолигида шаҳар ҳамда қишлоқ жойлар қиёфасини замон талабларига мувофиқ тубдан янгилаш, чекка, олис аҳоли манзилларининг ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш, ободонлаштириш, хизмат кўрсатиш ва сервис тармоқларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Айни мақсадда қабул қилинган республика ҳамда ҳудудий миқёсдаги аниқ манзилли дастурлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бунёдкорлик ишлари самардорлигини таъминлашда муҳим омили бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йил 22 майдаги қарори билан тасдиқланган 2015 — 2017 йилларда Сурхондарё вилоятининг йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури — шулардан бири.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

Сиёсий партиялар сайловда иштирок этиш учун ҳужжатларни тақдим қилди

Шу йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қонун ҳужжатлари ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Асосий тадбирлар дастурига мувофиқ қизғин тайёргарлик қўриляпти.

Аввал хабар берилганидек, мамлакатимиздаги сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссиясига белгиланган тартибда мурожаат қилмоқда.

Жорий йилнинг 20 сентябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Марказий сайлов комиссиясига сайловда иштирок этиш тўғрисида тегишли партия

раҳбари томонидан имзоланган ариза, Адлия вазирлигининг сиёсий партия рўйхатга олинганлиги кўрсатилган маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилди.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияларнинг ваколатли вакилларига ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана қайд этилган маълумотномаларни берди.



— Марказий сайлов комиссияси тақдим қилинган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилади, — деди Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари К. Адиллов сиёсий партиялар вакиллари билан учрашувда. — Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, сайловда иштирок этувчи партияларнинг рўйхати аризалар келиб тушиш наватига қараб марказий матбуотда эълон қилинади.

Қобил ХИДИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

САЙЛОВ — 2016 Оқруқ сайлов комиссиялари таркибига номзодлар тавсия этилмоқда

Айни кунларда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича Асосий тадбирлар дастурига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар кенгашларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи оқруқ сайлов комиссиялари таркибига номзодларни муҳокама этиш ва тавсия қилиш бўйича сессиялари ўтказилмоқда.

Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши сессиясида сайловни миллий сайлов қонунчилиги талабларига қатъий риоя этган ҳолда ўтказишда оқруқ сайлов

комиссиялари фаолиятини самарали ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).



Аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш

кенг қўламли бунёдкорлик ишларидан кўзланган пировард мақсаддир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дастурга мувофиқ, ўтган йили 471, бу йил эса 610 та объектада қурилуш-монтаж ҳамда ободонлаштириш ишларини олиб бориш белгиланган бўлиб, жанубий воҳанинг йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, уй-жой фондиди босқичма-босқич реконструкция қилиш, вилоят марказини миллий ҳамда замонавий архитектура уйғунлигида янада кўркамлаштириш назарда тутилган.

Шунга кўра, Термиз шаҳрининг бош режаси асосида икки миллиард сўмликдан ортиқ маблағ ҳисобига кўчаларнинг катта қисми кенгайтирилиб, капитал таъмирланди. 46 та кўп қаватли уй, қирққа яқин савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, қатор маъмурий ҳамда хусусий тураржой биноларида қурилуш-реконструкция ишлари амалга оширилди. Аҳоли учун ҳар томонлама муносиб турмуш шароитини яратишга йўналтирилган бундай кенг қамровли бунёдкорлик вилоятнинг барча туманини қамраб олди. Электр тармоқларини таъмирлаш ва қайта қуриш, газ, ичимлик суви таъминотини барқарорлаштириш билан боғлиқ ва-

зибалар ижроси ҳам эътиборга моликдир. Шу ўринда Сурхон воҳасида ўғил-қизларимизнинг ҳар томонлама етук бўлиб камол топишига хизмат қилувчи иншоотлар сони йил сайин ортиб бораётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Замонавий таълим-тарбия муассасалари, санъат даргоҳлари, спорт объектлари, маънавият масканлари бири-биридан кўркам ҳамда файзли. Мисол учун, ўтган йили вилоятда яна 31 умумтаълим мактаби ва 9 касб-хунар коллежи реконструкция қилиниб, бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган шарт-шароитларга эга бўлди. Қолаверса, қатор бирламчи тиббиёт муассасаларида ҳам қурилуш-таъмирлаш ишлари якунига етказилди. Аҳамиятлиси, бу жараён қизгин давом этмоқда.

Тадбирда мазкур натижалар эътироф қилиниб, Сурхондарё вилоятининг йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастурининг самардорлигини ошириш юзасидан тақлиф ҳамда тавсиялар билдирилди.

Муҳокама якунига кўра тегишли қарор қабул қилинди.

Фарида МАҲКАМОВА.

Округ сайлов комиссиялари таркибига номзодлар тавсия этилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ушбу сиёсий тадбирга ташкилий-ҳуқуқий ҳамда моддий-техника жиҳатидан пухта тайёргарлик кўриш, уни миллий сайлов қонунчилигимизда мустақамлаб қўйилган демократик принципларга тўлиқ мувофиқ ҳолда, очиқ-ошкора ва адолатли ўтказишда округ сайлов комиссиялари зиммасига катта вазифа ҳамда масъулият юкланади, — дейди вилоят Кенгаши депутати, сенатор Шукржон Маматулов. — Шунга кўра, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Андижон округ сайлов комиссияси таркибига муносиб номзодларни тавсия қилишга катта эътибор қаратди. Зеро, аҳоли ўртасида катта оғриқ-эътиборга эга бўлган, мамлакатимизда олиб борилмаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислохотлардан ҳар томонлама хабардор юртдошларимизнинг округ сайлов комиссияси фаолиятига жалб этилиши, аввало, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, сессияда округ сайлов комиссияси аъзоларига номзодлар атрофида кўриб чиқилиб, кенг муҳокама этилди.

Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши сессиясида ҳам сайловнинг қонун талабларига тўла мувофиқ равишда, очиқлик ва ошкоралик асосида ташкил этилиши жуда муҳим эканига таъкидлаб ўтилди.

— Мамлакатимизда муҳим сиёсий тадбир — ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ҳозирлик қилинаётган, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Дилором Абураҳимова. — Демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамиятини очик ҳамда адолатли сайловларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу бис депутатлар ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Наманган округ сайлов комиссияси таркибига ижти-

мойи фаол, катта ҳаётий тажрибага ва халқ ўртасида оғриқ-эътиборга эга бўлган фуқаролар номзодини тавсия этиш ҳамда уларни ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тасдиғига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши сессиясида ҳам ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Хоразм округ сайлов комиссияси аъзоларига номзодларни тавсия қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. — Мустақиллик йилларида юртимизда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалда таъминлайдиган, халқро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган сайлов тизими яратилди, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Раҳимбой Қурбонов. — Сўнгги йилларда олиб борилган кенг қўламли ишлар натижасида халқимизнинг миллий сайлов қонунчилигига оид билими, сиёсий фаолиги янада ошди. Округ сайлов комиссияси таркибига сайлов қонунчилигини чуқур биладиган, аввалги сайловларда тажриба ортирган кишилар тавсия қилингани эътиборга моликдир. Бу, шубҳасиз, сайлов кампанияси давомида миллий қонунчилигимизга сўзсиз риоя этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши сессиясида ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Қашқадарё округ сайлов комиссияси аъзоларига номзодлар маъқулланиб, Марказий сайлов комиссияси тасдиғига киритиш юзасидан қарор қабул қилинди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини юсак даражада ташкил этиш, унинг очик ва ошкоралигини таъминлашда округ сайлов комиссияси зиммасига катта масъулият юкланади, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Сайфулла Махматуров. — “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонун асосида округ сайлов комиссияларига мазкур ҳужжатнинг округ

ҳудудидаги ижросини назорат қилиш, унинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш, сайлов участкаларини тузиш, уларнинг округ бўйича тартиб рақамини белгилаш, манзилни кўрсатган ҳолда рўйхатини эълон қилиш, участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш каби вазифалар қаторида сиёсий партиялар вакилларининг, сайлов округи ҳудудида жойлашган корхоналар, муассаса ҳамда ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитиш ҳам юқлатилган. Округ сайлов комиссиялари таркибига ушбу ваколатлардан самарали фойдалана оладиган, тажрибали фуқароларнинг жалб қилиниши сайловни қонунга мувофиқ ҳолда ўтказиш ва натижада республикамизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни янада чуқурлаштириш имконини беради.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг сессиясида ҳам ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича Тошкент вилояти округ сайлов комиссиясига номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

— Округ сайлов комиссияси таркибига энг муносиб номзодларни, фаол фуқаролик позициясига, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган юртдошларимизни тавсия этишга алоҳида эътибор қаратдик, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Марҳабо Қурбонова. — Мамлакатимиз ҳаётидаги ушбу муҳим сиёсий тадбирни миллий сайлов қонунчилиги талабларига мос равишда ўтказиш учун барча ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилган ҳамда депутатларимиз кўрсатган номзодлар ана шу имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўзларига юқлатилган масъулиятли ва шарафли вазифани тўлиқ адо этадилар, деб ишонамиз.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Экспертлар тажриба алмашди

Пойтахтимизда “Жамоатчилик назорати — давлат бошқарувида иштирок этишнинг шакли сифатида: миллий амалиёт ва халқро тажриба” мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти, Ф. Эберт номидаги жамғарманинг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда парламент аъзолари, вазирилик ҳамда идоралар, жамоат ва халқро ташкилотлар вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, экспертлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Таъкидланганидек, қонун устуворлиги ҳамда инсонпарварлик тамойилларига асосланган фуқаролик жамиятини кенг жамоатчиликнинг иштироки ва назоратисиз шакллантириб бўлмади. Айнан жамоатчилик назорати институти давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини, шаффоқлигини, жойларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини рўйбга чиқаришда қонунчилик талабларига риоя этилишини, қисқача айтганда, инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилларидан саналади.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлан-

тириш концепциясига биноан қабул қилинган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги, “Ижтимоий ҳуқуқлик тўғрисида”ги, “Экологик назорат тўғрисида”ги қонунлар жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъектлар — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда бошқа демократик институтлар фаолиятини кенгайтиришда ҳуқуқий асос бўлмоқда. Айниқса, “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва тўғривчилик киритиш тўғрисида” (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)“ги Қонунга мувофиқ, жамоатчилик назорати ва конституцион мақом берилиши демократик ислохотларни янада юқори босқичга кўтарди. Ҳозирги кунда жамоатчилик назорати маҳалла институти, ННТ ҳамда ОАВ томонидан давлат органларининг очик мажлисларида, қонун лойиҳалари муҳокамаида қатнашиш, ҳудудий давлат дастурларини ишлаш ва ижросини ўрганиш каби шаклларида олиб борилмоқда.

Шулар хусусида батафсил сўз юритилган семинар фуқаролик жамияти институти вакиллари учун айни соҳада ўзаро фикр ҳамда тажриба алмаштириш имконини берди. Жамоатчилик назоратини юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар билдирилди. Экспертлар мамлакатимизда долзарб аҳамиятга молик ижтимоий, социал-иқтисодий ҳамда гуманитар масалаларни ҳал қилишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа демократик институтларнинг фаол иштирокини рағбатлантириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базасини мустақамлаш чора-тадбирларини юқори баҳоладилар.

— Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ҳамда унинг институти ривожлантиришнинг зарур қонуний асоси яратилган, — дейди Ф. Эберт номидаги жамғарманинг Марказий Осиё бўйича директори Х. Кифер. — Давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг йўлга қўйилгани алоҳида аҳамиятга эга. Бу давлат тузилмаларининг қабул қилинган қарорлар самардорлигини таъминлаш билан боғлиқ фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди.

Фуқаролик жамияти институти давлат учун муҳим масалалар муҳокамаида фаол қатнашиш орқали жадал ривожланади, — дейди германиялик эксперт Г. Веллинг. — Семинарда Германиядаги фуқаролик жамияти институти фаолияти ҳақида сўзлаб бердим. Шу ўринда ўзбекистонда “учинчи сектор” нафақат шаклланиши, балки барча жаҳонда фаол иш олиб бораётгани, фуқаролик жамияти институтиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича самарали тизим яратилгани ҳамда уларнинг мустақил ва эркин фаолият юритиши учун барча шароит мавжудлигини қайд этиш жоиз.

Тадбирда иштирокчилар жамоатчилик назорати шакллари, уни амалга ошириш соҳасида Германия, Ўзбекистон ҳамда бошқа давлатлар тажрибаси ва ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқди. Семинар якунида жамоат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари экспертлардан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар, мамлакатимизда жамоатчилик назоратини ривожлантиришга доир мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Ф. ИБРОҲИМОВА.

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

Заминимиз неъматлари — экспортга

• Фарғона

Ўзбекистон туманидаги “Зафар Элдор келажаги” масъулияти чекланган жамияти қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспорти билан шуғулланади. Яқинда бу ерда хориждан 280 миллион сўмлик маблағ эвазига мева-сабзавотларни саралаш ва қадоқлаш дастгоҳлари келтириб ўрнатилди.

— Фермер ҳўжалиқларида етиштирилган маҳсулотларни шартнома асосида харид қиламиз, — дейди МЧЖ раҳбари Элдорбек Баходиров. — Замонавий технологиялар ёрдамида қадоқланган мош, ловия, нўхот, сингари табиат неъматлари хориқлик буюртмачиларга ҳам манзур бўлапти. Хусусан, айни пайтда Россия, АҚШ ҳамда Ҳиндистондаги ҳамкорларимизга “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиги остида тайёрланган маҳсулотларимизни етказиб бераймиз. Утган йили “Зафар Элдор келажаги” корхонаси жамоаси томонидан 335 минг долларлик қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ташқи бозорга чиқарилган бўлса, жорий йилнинг олти ойида бу кўрсаткич 316 минг долларликка етказилди.

Элёржон ЭҲСОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Мобиль саёхат»

• Сирдарё

Алишер Навоий номидаги Сирдарё вилояти ахборот-кутубхона марказида “Мобиль саёхат” деб номланган инновацион технология жорий этилди.

У кутубхона бўлимлари ҳақидаги маълумотларни автоматик тарзда олиш имконини беради. Бунинг учун фойдаланувчилар мобиль телефонлари фото-видеокамерасини ўзларини қизиқтирган бўлим логотипи суратига қаратишга бас, бир зумда сўралган ахборотлар матн кўринишида намоён бўлади. Шунингдек, Алишер Навоий, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари аждодларимиз расмлари орқали ҳам уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги батафсил маълумотлар билан танишиш мумкин.

Эътиборлиси, марказда ахборот технологиялари воситасида электрон кутубхона яратиш борасида яна бир неча лойиҳа самарали амалга оширилмоқда. Чунончи, фонддаги кам нуқсали адабиётларнинг барчаси электрон шаклга ўтказилди. Энди улардан бир вақтининг ўзида кўплаб кишилар фойдаланиши учун имконият юзга келди. Компьютер саводхонлиги бўйича он-лайн ўқув курси ташкил этилган эса ўрганувчилар учун катта қулайлик бўлди.

Жорий йилда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Энг яхши ахборот-кутубхона маркази мутахассиси” республика кўриқтанловида мазкур зиё масканининг намунали фаолияти алоҳида эътироф этилди. Муассасанинг ахборот технологиялари бўлими мудир Шайхона Парманова танловнинг биринчи даражали дипломига сазовор бўлди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Модернизация имкониятлари

• Наманган

Наманган шаҳридаги “Dambog” royabzai savdo” хусусий корхонаси вилоятдаги экспортчи субъектлар қаторидан ўрин олди. Айни пайтда бу ерда юздан ортиқ турдаги оёқ кийимлари ишлаб чиқарилмоқда. Табиий чарман тайёрланаётган ушбу маҳсулотларнинг харидори чаққон. Яқин вақтга қадар фақат ички бозор учун фаолият юритиб келган кичик бизнес субъекти яқинда қўшни мамлакатларга дастлабки пойабзаллар туркумини жўнатди. Эндликда жамоа экспорт жуғрофиясини янада кенгайтириш ҳаракатида.

Айтиш лозимки, маҳсулотлар рақобатдошлигини таъминлашда бу ерда босқичма-босқич амалга оширилаётган модернизациялаш тадбирлари муҳим омил бўлаётди. Ўз навбатида, қувватлар ҳам ортиб бораётди. Бунинг самарасини жорий йилнинг биринчи ярмида 900 миллион сўмлик оёқ кийимлари тайёрланди, ўтган йилнинг шу давридаги кийимлар 20 фоиз ўсишга эришилганида ҳам кўриш мумкин.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Маҳсулот тури етмишдан ортиди

• Самарқанд

Маҳаллийлаштириш дастури шарофати билан шу пайтга қадар валюта эвазига четдан келтирилган маҳсулотлар эндиликда ўзимизда тайёрланмоқда.

Хусусан, Ургут туманидаги “Темирчи” хусусий корхонасида ана шундай истиқболли лойиҳа амалга оширилди. Дарвоза, темир панжара, замонавий зашк ва дераза ромлари каби 70 турдаги қурилиш материаллари тайёрлана-

ётган кичик бизнес субъектида яқинда қаттиқ металлларни кесувчи тош ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

— Кунига минг донагача уч турдаги ана шундай маҳсулотни харидорларга тақдим этаямиз, — дейди цех бошлиғи Тўйчи Шодиев. — Шу вақтгача бу каби ашёлар юртимизга асосан четдан келтирилди. Дастлабки 250 миллион сўмлик маҳсулотимизни буюртмачиларимизга етказиб бердик.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

АКТ САММИТИ



Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида “АКТ саммити — 2016” ахборот-коммуникация технологиялари миллий саммити бўлиб ўтди.

Инновацион хизматлар ва самарадорлик

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаши, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирилик ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда мамлакатимиз ҳамда Жанубий Корея, Хитой, Франция, Россия, Озарбайжон каби давлатлардан 500 дан зиёд вакиллар қатнашди.

Анжуманда Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган ҳужжатлар, уларнинг ижроси доирасида олиб борилмаётган сайҳаракатлар, бунинг натижасида эришилаётган ютуқлар алоҳида эътироф этилди.

Саммитда юқори технологиялар бозорининг етакчи экспертлари, давлат органлари, жамоат ва халқро ташкилотлар ва-

киллари, мамлакатимиз ҳамда чет эл IT-компаниялари раҳбарлари ва мутахассислари электрон тижоратни ривожлантириш истиқболлари, Ўзбекистонда солиққа тортиш соҳасида замонавий ахборот технологияларини қўллаш, инвестиция ҳамда инновациялар учун АКТ муҳитини яратиш, давлат бошқаруви га рақамли технологияларни жорий қилишнинг аҳамияти, кенг полсали уланшини такомиллаштиришда инновацион хизматларнинг роли, ахборот технологиялари бўйича таълимда инвестицияларнинг муҳимлигига доир долзарб масалаларни муҳокама этишди.

Мазкур анжуман мутахассислар, давлат органлари ва халқро ташкилотлар, шунингдек, хусусий секторга ахборот-коммуникация технологиялари бозорининг ҳолатини таҳлил этиш, соҳадаги сўнгги ютуқлар билан танишиш, янги ишончли ҳамкорлар топиш имконини берадиган ўзига хос майдонга айналди.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 20 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботлари юритиши, шунингдек, бозорда ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади.*

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

1 Австралия доллари	2263,15	1 Хитой юани	450,61	1 Швейцария франки	3071,45
1 Англия фунт стерлинги	3918,36	1 Россия рубли	46,24	1 Сингапур доллари	2203,64
1 Дания кронаси	450,64	1 Украина гривнаси	116,02	1 евро	3375,87
1 БАА дирҳами	818,16	1 Малайзия ринггити	727,63	1 Швеция кронаси	351,34
1 АҚШ доллари	3005,11	1 Польша злотийси	779,01	1 Кувайт динари	9978,78
1 Миср фунти	338,42	1 Норвегия кронаси	362,41	10 Жанубий Корея вони	26,88
1 Исландия кронаси	26,13	1 СДР	4206,79	10 Япония иенаси	294,50
1 Канада доллари	2283,34	1 Туркия лираси	1010,26	100 Ливан фунти	199,75

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмади.

Маънавият зиёси

Бухорода анъанавий Нақшбандхонлик республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда олимлар, тадқиқотчилар, шоир ва ёзувчилар ҳамда ёшлар иштирок этди.

АНЖУМАН

Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказида ташкил қилинган тадбирда сўз олганлар тасаввуфнинг йирик намонандаси таълимотининг юксак маънавиятни шакллантиришдаги ўрни, унинг умумбашарий аҳамияти, шунингдек, Алишер Навоий ва бошқа алломаларнинг Нақшбандия тариқатига муносабати, улуг бобокалонимиз издошлари хусусида атрофлича фикр-мулоҳаза юритдилар.

— Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти негизда инсонни ҳалол меҳнатга, халқпарварликка, эзгуликка, ҳушёрликка ундовчи давлатлар мужассам, — дейди тадқиқотчи олим, фалсафа фанлари доктори Гулчехра Наврозова. — Шу боис у бугунги кунда ҳам долзарб аҳамиятга эга. Мустақиллик шарофати билан илмда нақшбандшунослик йўналиши юзага келганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Анжуман қатнашчилари Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси фаолияти, бу ерда амалга оширилаётган ободончилик ишлари билан ҳам яқиндан танишдилар.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

HALQ BANKI

Юртимизда аҳоли, хусусан, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уй-жой, маиший шароитини яхшилаш, қисқача айтганда, фаровон ҳаёт кечирдишларини таъминлаш йўлида оқилона сиёсат юритилаяпти. Ана шу ислохотлар самарасини эса ўта масъулиятли ҳамда шарафли касб эгаларининг ҳар бир вакили қалбдан ҳис этиб турибди. Буни биргина тижорат банклари томонидан уларга бўлган эътибор, кўрсатилаётган хизматлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

ЭЪТИБОР ВА ИМТИЁЗ

оилалар фаровонлигини таъминламоқда

Гап шундаки, ҳарбий муассасаларда тўлов тизимини янада осонлаштириш, вақтни тежаш мақсадида замонавий терминал ва инфокиосклар ўрнатилиб, соҳа ходимлари бугунги кун талабларига Ҳаво берувчи пластик картчалар билан таъминланмоқда. Акциядорлик тижорат Халқ банки узоқ йиллардан бери ана шундай хайри ишга қарамбаста бўлиб келаётганини диққатга сазовордир.

Маълумки, пластик картчалар қулайлиги ҳамда ишончлилиги боис дунё миқёсида тобора оммалашиб бораётган. Халқ банки ҳарбий соҳа вакиллари аниқ шундай илгор тўлов воситалари билан таъминлаш боробарида, ҳисоб-китоб тизимини янада осонлаштириш учун жойларда замонавий қурилмалар ҳам ўрнатаяпти. Унинг «Click», «PayMe» тизимларига улангани эса миҳозларга қўшимча енгиллик туғдирмоқда. Масалан, ушбу тизим орқали пластик картча-

кадаги маблағни бошқа бир пластик картчакга ўтказиш, у йўқолиб қолган тақдирда эса, масофадан туриб бекорлаш, савдо дўконидан тўловларни мобил телефон орқали амалга ошириш мумкин.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Ҳар бир оиланда кундалик турмушимизда фойдаланиладиган маиший техника воситалари ёки мебель жиҳозларига эҳтиёж мавжуд. Уларни сотиб олиш учун йиллар давомида маблағ жамғариш зарур, деб ўйлайдиганлар эса адашади. Чунки Халқ банкининг истеъмол кредитлари ушбу орзу-ниятлар рўйбега қаратилган. Буни яқини ангаб етган ҳарбий хизматчиларимиз мазкур имкониятдан унумли фойдаланмоқдалар.

Таъкидлаш керакки, истеъмол кредитлари айнан Ватанимизда тайёрланган маҳсулотлар харидига ажратилиши ишлаб чиқарувчилар фаолиятига ижо-

бий таъсир кўрсатмоқда. Айни пайтда Халқ банки томонидан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларига бу каби кредитлар ҳеч қандай бошланғич бадалсиз тақдим қилинаётгани юксак эътибор ҳамда ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.

Шу кунгача юзлаб ҳарбий хизматчиларга Халқ банкидан ана шундай имтиёзли кредитлар ажратилдики, бу уларнинг турмуш даражаси янада яхшиланишида муҳим аҳамият касб этди.

миз учун айни муддао бўлди, — дейди сержант Нурбек Урунов. — Буларнинг барчаси давлатимиз томонидан банк тизимига қаратилаётган эътибор, юртдошларимизга бўлган ғамхўрлик ифодасидир. Мен ҳам мазкур молия муассасасининг Яшнобод филиалидан қулай шартларда берилган кредит ҳисобига уй-рўзгор учун керакли жиҳозларни харид қилдим. Бундан жуда хурсандим.

— Анчадан буён замонавий

мебеллар сотиб олишни мўлжаллаб юрардим, — дейди взвод командири Умид Шералиев. — Мана, Халқ банкининг Яшнобод филиали ёрдами билан истагим амалга ошди. Ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатига қанолат бор. Биз, ҳарбий хизматчиларга банк томонидан ҳеч қандай бошланғич бадалсиз истеъмол кредитлари ажратилаётганидан беҳад мамнунимиз.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари турмушини янада фаровон қилиш мақсадида амалга оширилаётган бундай кенг қўламли юмушлар «Ислохот — ислохот учун эмас, аввало, инсон учун», деган эзгу гоёнинг амалий тасдиғидир.

Гулнора ҲОЖИМУРОВА.

Хизматлар
лицензияланган.

ЖАХОН 24 СОАТ ИЧИДА

«Forbes» журнали томонидан жаҳонда энг йирик банкларнинг янги рейтингни эълон қилинди.

Машҳур журнал талқини

Ундан 63 та давлат молия муассасалари жой олди. Эътиборлиси, мазкур рўйхатнинг дастлабки учта ўрнини Хитой банклари эгаллади.

Хусусан, 3,4 триллион доллар миқдоридagi активларига эга бўлган «Industrial and Commercial Bank of China» пешқадамга айланди. «China Construction Bank», «Agricultural Bank of China» кейинги погонларни банд этди. Тўртинчи ўринни эса АҚШнинг «JP Morgan Chase & Co.» банки эгаллади.

Конструкциядаги нуқсон туфайли

Автомобил ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Fiat Chrysler» (Италия/АҚШ) концерни 2010 — 2014 йиллар оралигида ишлаб чиқарилган «Дож», «Жип» каби русумлардаги қарийб икки миллионга транспорт воситаларини қайтариб олади.

Бунга уларнинг конструкциясида аниқланган ва хавфсизлик ёстиқчаси ҳамда камарининг

бекам қўст ишлашига тўсқинлик қилаётган нуқсонлар сабаб сифатида кўрсатилаёпти.

Мустаҳкам қоплама

Япониянинг «Casio» компанияси томонидан энг мустаҳкам ҳимоя қопламасига эга бўлган «BG-169» маркали соат яратилди.

Яъни мазкур қурилманинг дисплейига махсус металлдан жуда пухта ишлов берилди. У кечкурун нур таратиб туради ҳамда сув ва бошқа ташқи таъсирларга ўта чидамли.



Уч тонналик велосипед

Австралида узунлиги 41 метрлик бўлган, дунёдаги энг катта велосипед яратилди.

Унинг вазни қарийб 3 тонна бўлиб, 20 кишига мўлжалланган. Филдирга эса иккита. Аммо мазкур ўзига хос транспорт воситасида ҳозирча мувоzanатни тўла-тўқис сақлаш муаммо бўлиб турибди. Уни яратганлар ушбу камчи-



ликни бартафат этиш устида бош қотиришаёпти.

Саломатлик учун фойдали

Оклахома университети (АҚШ) мутахассислари томонидан манго меваси инсон саломатлиги учун энг фойдали табиий маҳсулотлардан бири эканлиги эълон қилинди.

Илмий натижалари хусусида «Journal of Nutrition» илмий нашрида таҳлил материал чоп этилди. Маълумки, ёғли таомларни тановул қилиш ичакларда фойдали бактериялар камайишига сабаб бўлиши, бу эса ортиқча вазн муаммоси ҳамда иккинчи тип диабетини келтириб чиқариши мумкин. Ушбу тропик неъмат истеъмоли эса ана шундай бактерияларни сақлаб қолишда ёрдам бериши лаборатория шароитида исботланди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ЭЪЛОНЛАР

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

1. Аукцион савдосига Термиз тумани СИБ томонидан ФИБ Термиз туманлараро судининг 2015 йил 25 декабрдаги 1-5504-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз тумани, «Паттақесар» ҚФЙ, Солибод маҳалласида жойлашган, ер майдони 109,75 кв. м. бўлган, А-литердаги 4 хонали ошона биноси кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 96 000 000 сўм.

2. Аукцион савдосига Сариосиё тумани СИБ томонидан ФИБ Сариосиё туманлараро судининг 2015 йил 13 майдаги 01-1112-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сариосиё тумани, «Ўзбекистон» ҚФЙ, Галаба маҳалласида жойлашган, ер майдони 306,0 кв. м. бўлган, 9 хонадан иборат ошона биноси кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 30 000 000 сўм.

3. Аукцион савдосига Термиз тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти ҳўжалик судининг 2016 йил 27 майдаги 19-1602/5333-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз тумани, «Паттақесар» ҚФЙ, Солибод маҳалласида жойлашган, «Намуна отчоран» хусусий корхонасига тегишли, ер майдони 8783 кв. м. бўлган, 18 хонали, А, Н, В-литерлардаги бостирма ва молхона биноси кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 125 000 000 сўм.

4. Аукцион савдосига Термиз тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти ҳўжалик судининг 2016 йил 27 майдаги 19-1602/5353-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Дилнура-алп» МЧЖга тегишли, Термиз тумани, «Паттақесар» ҚФЙ, Солибод маҳалласида жойлашган, ер майдони 72009,45 кв. м. бўлган, 33 хонали, А, В, Г, Е, Ж, К, Л-литерлардаги маъмурий бино, молхона, қоровулхона ва қушхона бинолари кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 437 500 000 сўм.

5. Аукцион савдосига Бойсун тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти ҳўжалик судининг 2016 йил 8 июлдаги 19-1603/6917-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бойсун тумани, Шўрсой маҳалласида жойлашган, «Бойсун омхта ем» МЧЖга тегишли, умумий майдони 2500,0 кв. м. бўлган, 13 хонадан иборат марказий омборхона биноси кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 135 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 19 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 17 октябрь куни соат 18.00.

6. Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан Сурхондарё вилояти ҳўжалик судининг 2016 йил 10 мартдаги 19-1504/22327-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг 2016 йил 10 августдаги 19-1504/22327-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 13-«А» уйда жойлашган, «Премимум-проф» хусусий корхонасига тегишли, ер майдони 4965,26 кв. м. бўлган, 3 қаватли, 165 хонали, А, А1, Б, Б1, В, Г, Д, а, б, в, г, е-литерлардаги меҳмонхона ҳамда ҳўжалик бинолари такроран кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 1 623 991 087 сўм.

7. Аукцион савдосига Узун тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти ҳўжалик судининг 2015 йил 26 ноябрдаги 19-1515/19497-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Узун тумани, Н. Рамазонов кўчасида жойлашган, «Меҳрож ШХ» хусусий корхонасига тегишли, ер майдони 2060,0 кв. м. бўлган, 2 қаватли, 21 хонадан иборат ошона, тўйхона ва қандолат цехи бинолари такроран кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 225 000 000 сўм.

8. Аукцион савдосига Узун тумани СИБ томонидан ФИБ Сариосиё туманлараро судининг 2015 йил 10 ноябрдаги 01-2532/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Узун тумани, «Узун» ҚФЙ, Янгируўзгор маҳалласида жойлашган, ер майдони 1000,0 кв. м. бўлган, 6 хонадан иборат ишлаб чиқариш цехи биноси такроран кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 117 115 788 сўм.

9. Аукцион савдосига Шўрчи тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Яққасарой тумани судининг 2015 йил 17 февралдаги 1-02/55-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани, Х. Бегматов кўчаси, 50-уй, 2-қават, 7-хонадан жойлашган, умумий майдони 92,6 кв. м. бўлган, 5 хонали уй-жой такроран кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 30 956 828 сўм.

10. Аукцион савдосига Шўрчи тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Яққасарой тумани судининг 2015 йил 17 февралдаги 1-02/55-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани, Х. Бегматов кўчаси, 26-уйда жойлашган, ер майдони 2036,0 кв. м. бўлган, 6 хонадан иборат уй-жой такроран кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 262 837 670 сўм.

11. Аукцион савдосига Шўрчи тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Яққасарой тумани судининг 2015 йил 17 февралдаги 1-02/55-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани, «Жалойир» ҚФЙ, Ободон маҳалласида жойлашган, ер майдони 5379,93 кв. м. бўлган бостирма, қоровулхона бинолари ва темир-бетон тўсиқ такроран кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 277 257 003 сўм.

12. Аукцион савдосига Қумқўрган тумани СИБ томонидан ФИБ Термиз туманлараро судининг 2015 йил 16 декабрдаги 1-5534-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрган тумани, Ариқ ошган маҳалласида жойлашган, ер майдони 157,23 кв. м. бўлган маъмурий бино такроран кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 73 750 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 5 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 3 октябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдоси 2016 йил 5 октябрь куни ўтказилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2016 йил 20 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Такрорий аукцион савдоси учун аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 18 октябрь куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'snmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг ХАБ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги кўйилган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил:

Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри,
Баркамол авлод кўчаси, 32-уй,
«Тадбиркорлар маркази» биноси, 2-қават, 6-хона.
Телефон: (0-376) 221-77-94.

www.1kms.uz

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz

Хизматлар лицензияланган.

МЕРОС

Андижон вилоятидаги Мингтепа археологик манзилга Ўзбекистон — Хитой давлатлари дўстлиги рамзи сифатида янги ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди.

Мозийдан сўзловчи ноёб ашёлар

Мана, беш йилдирки, бу ерда Ўзбекистон Фанлар академияси ва Хитой ижтимоий фанлар академияси археология институты олимлари ҳамкорлигида қазилма ишлари олиб борилаётган. Илганишлар давомида 2-2,5 метр тупроқ остидан катта шаҳар харобалари топилди. Дунё қадимшунослари қизиқшишга сабаб бўлган мазкур археологик ҳудуд икки ярим минг йиллик тарихга эга бўлиб, ЮНЕСКО рўйхатида киритилган. Мудрофаа деворлари, ички ҳамда ташқи йўллар, қалъа ўрни, аҳоли турмуш тарзидан ҳикоя қилувчи турли буюмлар

тарихнинг очилмаган қирраларини ўрганишда бекиёс аҳамиятга эга. Мутахассислар бу ер келгусида жаҳон сайёҳлик марказларидан бирига айланишини таъкидлашаёпти. — Эски шаҳар деворларининг ўзига хос услубда бунёд этилгани ўша давр меъморчилик аънаваларидан гувоҳлик беради, — дейди профессор Боқижон Матбобоев. — Қолаверса, бу ердан топилаётган бир неча минг йилликдан сўзловчи деҳқончилик ва ҳунармандчилик ашёлари дунё олимларида катта қизиқиш уйғотаяпти.

Саминжон ҲУСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«OBIDA RIEL PROFESSIONAL» МЧЖ

очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Суд департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасининг буюртманомасига асосан, кўйилган бино-иншоотлар бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига такроран кўйилмоқда: * Сўх тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти ҳўжалик судининг 2016 йил 29 январдаги 15-1509/25777-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Соҳибқирон» ҚФЙ, «Тул» МФЙда жойлашган, «Озод» ширкат ҳўжалигига тегишли маъмурий бино ва уруғ сақлаш омбори бостирмаси бино-иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 195 840 000 сўм.

* Езёвон тумани СИБ томонидан ЖИБ Фарғона туманлараро судининг 2015 йил 22 декабрдаги 1-622/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Езёвон тумани, Андижон кўчасида жойлашган нотўқима маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси бино-иншоотлари арзонлаштирилган ҳолда.

Бошланғич баҳоси — 426 251 393 сўм.

* Езёвон тумани СИБ томонидан ЖИБ Фарғона туманлараро судининг 2015 йил 22 декабрдаги 1-622/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Езёвон тумани, Ал-Фарғоний кўчасида жойлашган қурилиш моллари дўқони, озиқ-овқат ва чорва моллари учун омхта ем сотиш шохобчаси бино-иншоотлари арзонлаштирилган ҳолда.

Бошланғич баҳоси — 333 076 586 сўм.

* Қувасой шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти ҳўжалик судининг 2013 йил 17 апрелдаги 15-13-04/8801-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Алишер Навоий кўчаси, 112-уйда жойлашган, 73-автокорхонага тегишли бино-иншоотлар арзонлаштирилган ҳолда.

Бошланғич баҳоси — 235 023 828 сўм.

* Марғилон шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти ҳўжалик судининг 2014 йил 14 июлдаги 15-14-09/8452-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, М. Пулатов кўчаси, 30-уйда жойлашган савдо дўқони бино-иншоотлари арзонлаштирилган ҳолда.

Бошланғич баҳоси — 42 365 355 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 7 октябрь куни соат 11.00 да Фарғона шаҳри, Маърифат кўчаси, 22-уйда бўлиб ўтади. Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 6 октябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади. * Аукцион савдосига Қўштепа тумани СИБ томонидан ФИБ Фарғона тумани судининг 2016 йил 6 январдаги 1-02-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Қумтепа» ҚФЙ, Тўхтағаназор кўчасида жойлашган, ер майдони 800,0 кв. м. бўлган 14-хавли кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 305 429 306 сўм.

* Аукцион савдосига Қўштепа тумани, «Қумтепа» ҚФЙ, Қумтепа қишлоғида жойлашган, умумий ҳажми 3500 кв. м. бўлган деҳқон ҳўжалиги ер майдони ва қурилиши тугалланмаган бино-иншоотлар кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 251 066 098 сўм.

Мазкур кўчмас мулкларнинг аукцион савдоси 2016 йил 24 октябрь куни соат 17.00 да бўлиб ўтади. Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2016 йил 21 октябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади. * Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фо

